


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

“НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА  
ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ  
МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ



НУСXA  
06 10 21

Фарғона - 2016

## ТАНБЕҲ БЕРИШ ОДОБИ

С.Мўминов, ФарДУ профессори,  
Т.Мўминова, ФарДУ магистранти,  
Ш.Мўминов, ФарДУ талабаси


Асли арабча сўз бўлиб, “ножўя хатти-харакат учун берилган таъзир, койиш, оғохлантириш ёки жазо” [5.660] маъноларини англатадиган *танбеҳ* мулоқотда ўзига хос ўринга эга. Чунки жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси ўз тасавуридаги ахлоқ қондасининг бузилиш ҳолларига дуч келганида қоида бузувчига нисбатан танбеҳ беришга одатланган. Ахлоқ қоидаларини ҳар ким ўзича тасаввур этганидек, танбеҳни ҳам ҳар ким ўзига хос усулда ифода этади. Шунга кўра у миллий, ҳудудий, касбий ва шахсий (индивидуал) хусусиятларга эга. Бир мамлакат вакиллари учун меъёр саналган ахлоқ бошқа миллат менталитетига мос келмаслиги ва ҳатто бир миллат доирасидаги ҳар хил ҳудуд кишиларининг урф-одатлари бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Жуда кўп соҳаларда бўлгани каби, танбеҳ одоби ҳақида ҳам аждодларимиздан бизга улкан мерос қолган. Жумладан, бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожибнинг XI асрда яратилган “Қутадгу билиг” (“Қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим”) номли асарида мавзумизга оид қуйидаги байтни ўқиймиз:

Ўғилни тергаб тур: бўш қўйма зинҳор,  
Бенаф, бебош бўлар, юғурар бекор [97].

Демак, фарзандларнинг бенаф, бебош бўлмасликлари, бекор қолмасликлари учун ҳам уларни доимо назорат қилиб туриш, ўрнида тергаш, танбеҳ бериш керак. Аслида ҳар қандай танбеҳдан кўзланган бош мақсад ҳам жамият мувозанатини сақлаб туришдир. Аммо ҳамма гап уни қандай ифода этишдадир.

Мусулмончиликда инсон қалби ўта эъозланганлиги боис танбеҳ бераман, деб бўлар-бўлмасга киши дилини оғритиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ислом шариати “иззаи мўмин – гуноҳ” эканлигини ўз мукаддас китобларида бекорга қайд этмаган. Пайгамбаримиз Муҳаммад саллолоҳи алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида бу ҳақда шундай дейилади: “...мусулмонларни иложи борича жавобгарликдан сақлашга ҳаракат қилинглари. Мусулмон кишини оқлаш учун бирор сабаб топилса, кўйиб юборинглари, чунки бошлиқнинг афву этишда адашгани жазо беришда адашганидан яхшироқдир”. “Мўмин оламни сўкаётган киши ҳалокатга юзланган кабидир” [3.55, 89].



“Танбех фақат катталар, раҳбарлар ёки ўқимишли, зиёли кишилар томонидан кичикларга берилади” деган фикр ҳам тўғри эмас. Аксинча, бундай кишилар ўз сўзларининг кадр-қимматини билишлари, худабехудага кишиларни мулзам қилавермасликлари кераклиги ҳақида Алишер Навоийнинг “Мухбуб ул-қулуб” асарида қуйидагиларни ўқиймиз: “Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтқазиб, уни мулзам қилишни истаса, бу олимнинг ўзи учун ҳақоратдир. Олим, аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши керак, гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмаслиги лозим” [1.83]. Байт:

“Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,

Хирад англарки, қаю бир-бирини синдирғай” [1.107].

Кўринадики, танбех ким томонидан ва кимга берилиши жуда муҳимдир. “Гапни гапир уққанга, жонни жонга сукқанга, Гап гапириб нетарсан онаси бевақт тукқанга” мақоли бежиз яратилмаган. Бу фикрлар Кайковуснинг “Қобуснома” асарида илгари сурилган қуйидаги ғояларга жуда мос келади: “Сендан талаб қилмаса, кишига насихат қилмағил, панд бермағил, хусусан, сени тингламаган кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмагайлар. Кўп кишилар орасида бир кишига панд-насихат қилмағил...” [2.32,33].

Бундан кўринади, мулоқотда танбех ўрни ҳам, меъёри ҳам муҳимдир. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асаридаги Юсуфбек ҳожи табиатида бунга оид қуйидагиларни ўқиймиз: “Юсуфбек хожининг кизиқ бир табиати бор: хотини билангина эмас, умуман, уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса-бўлсин узок сўзлашиб ўтирмайди... аммо Отабек билан бирор тўғрида сўзлашмоқчи бўлса, уни аксар меҳмонхонага чакириб ёки чакиртириб оладир...” [6.134].

Абдулла Қаҳҳорнинг танбех бериш борасидаги маҳорати ҳақида адибнинг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова шундай ёзади: “Бир кун чой дамлаб олдиларига кўйдим. Чойни куйишлари билан қопқоқ пиёла ичига тушиб кетди. Бошқа одам бўлса: “Менга айтсангиз ҳам боглаб кўяр эдим-ку!” деб танбех бериши мумкин эди. Абдулла Қаҳҳор эса жилмайиб: “Ҳа, етказганига шукр, қопқоғини ҳам чайиб ичадиган бўлдик!...” даганлар...” [7.58]. Х у л л а с :

а) танбех суҳбатдошлар ўртасида қўлланиладиган ножўя хатти-ҳаракат учун берилган таъзир, койиш, огоҳлангириш ёки жазо бўлиб, жамият мувозанатини ушлаб туришда у катта аҳамиятга эга;

б) ахлоқ қоидаларини ҳар ким ўзича тасаввур этганидек, танбехни ҳам ҳар ким ўзига хос усулда ифода этади. Шунга кўра у миллий, ҳудудий, касбий ва шахсий (индивидуал) хусусиятларга эга;

в) мусулмончиликда инсон калби ўта эъзозланганлиги боис танбех бераман, деб бўлар-бўлмасга киши дилини оғритиш мулоқот одобидан саналмайди.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
2. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986.
3. Муҳаммад Пайгамбар қиссаси. – Т., 1991.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Ўлдузча, 1990.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3- жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
6. Қодирий А. Ўтган кунлар. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
7. Қахҳорова К. Чорак асар ҳамнафас. – Т., 1987.

## СИНТАКТИК САТҲ БИРЛИКЛАРИГА ДИАЛЕКТИК ЁНДАШУВ

*Д.Набиева, АнДУ профессори,  
С.Нурмонова, АнДУ ўқитувчиси*

Борлиқдаги ҳар бир элементда диалектик категорияларни кузатишимиз мумкин. Тил ҳам борлиқнинг бўлаги сифатида ўзида диалектикани намоён этади ва бу тилнинг барча сатҳларида амал қилади. Хусусан, умумийлик ва хусусийлик, имконият-воқелик, моҳият-ходиса каби категориялар тилнинг барча сатҳларида амал қилади. Буни лисоний бирликлар ўртасидаги тил-нутқ бўлиниши асосида кузатиш мумкин.

Л.Ельмслевнинг фикрича, система ички боғлиқликка эга бўлган автоном моҳият. Структура (система) уни ташкил этувчи элементларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунликдир. Унинг таркибидаги элементларнинг бири иккинчисининг бўлишини талаб қилади, бошқа элементлар билан муносабати туфайлигина мавжуд бўлади.<sup>1</sup>

Ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, қуйи сатҳ бирликлари гап таркибида ўзаро муносабатга киришиб, ўзининг ҳақиқий функциясини бажаради. Гап бутунлик сифатида уни ташкил этувчи қисмларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган моҳият саналади ва у ўзида тил ва нутқ дихотомиясини қилади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам синтактик бирликларни тил ва нутқ дихотомияси орқали ёритиш бир катор олимларнинг тадқиқотларида

<sup>1</sup> Ельмслев Л. Можно ли считать, что значения слов образует структуру? / Новое в лингвистике. Вып. 2. - М.: Иностр.литер., 1960. -С. 122

## МУНДАРИЖА

А.Хантбаев, Ш.Искандарова, Э.Ибрагимова Серкирра олим.....	3
Б. Йўлдошев Ўзбек мулоқот хулқининг йирик тадқиқотчиси.....	6
О.Бозоров Олимнинг экстралингвистик ва антропоцентрик тадқиқотлари.....	8
А.Холмуродов Эъзозли умр сабоги.....	10
Н.Улуқов Олимнинг ижтимоий экология ҳақидаги қарашлари.....	12
М.Саидхонов, З.Қодиров Олимнинг мулоқот майдони.....	14

### ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

А.Мамажонов, М.Абдупаттоев Суперсинтактик бутунликларнинг матн таркибидаги чегараларини белгилаш асослари.....	17
Ҳ.Усмонова Шакл ва мазмун муносабатига субстанционал ёндашув.....	19
С.Мўминов, Т.Мўминова, Ш.Мўминов Танбех бериш одоби.....	22
Д.Набиева, С.Нурмонова Синтактик сатҳ бирликларига диалектик ёндашув.....	24
Ш.Шаҳобиддинова, А.Тошпўлатов [-лар] қўшимчасининг прагматик хусусиятлари.....	26
Ш.Искандарова, У.Кўзнев Ўзбек луғатчилигининг улкан ютуғи.....	27
Н.Улуқов Тантанавор нутқ ва унинг айрим хусусиятлари.....	29
А.Ж.Омонтурдиев Семасиологиянинг тил сатҳидаги ўрни.....	32
Э.Ибрагимова Аксиология – умуминсоний кадриятларни англаш воситаси сифатида.....	35
Н.Улуқов, Н.Орипова “Меҳробдан чаён” романида қўлланган арабий, форсий киритмаларнинг услубий хусусиятлари.....	37
Ш.Абдурахмонов Антитезанинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	41
Э.Жабборов Бадиий нутқда синонимларнинг ўрни.....	44
М.Зокиров Алишер Навоий ўзбек адабий тили асосчиси.....	47
Г.Розиқова Гапга хос шаклий ва мазмуний муносабат хусусида.....	49
З.Қодиров, Д.Саттарова Сўз маъносининг тараккиёт имкониятлари.....	51
Г.К. Qobuljonova A. Bahodirxon asarlarida qo'llangan ayrim sinonimik va antonimik juftliklar xususida.....	54
М.Темирова Ўзбек ва қирғиз мақолларида бадиий усулларнинг қўлланилиши.....	56
З.Алимова “Бобурнома”да тарихий шахслар билан боғлиқ индивидуал сўзларнинг қўлланилиши.....	58
М.Usmanova, Sh.Anvarxo'jayeva “Qo'qon xonligi tarixi” asarida arabcha izofali birikmalar.....	60
М. Халилова, Г. Қўчқорова Риторик сўрок нутқ таъсирчанлигини кучайтирувчи поэтик фигура сифатида.....	63

